

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash

Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 16 февраль • № 7 (1184)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Охириги бир ярим йил давомида фармацевтика тармоғини ривожлантириш, дори воситалари ва tibbiy буюмларнинг арзонлиги ва эркин муомаласини таъминлашга қаратилган ўндан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фармацевтика тармоғининг давлат бошқаруви тизими қайта қўриб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

“Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналари ташкил этилиб, уларнинг ҳудудда 41,7 миллион АҚШ доллари миқдоридagi бешта лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мамлакатда ижтимоий дорихоналари ташкил этиш чоралари қўрилмоқда. Жумладан, Сур-

хондарё вилоятида давлат-хусусий шериклик шартларида 75 та ижтимоий дорихоналарни қуриш ва жойлаштириш бўйича ишлар бошланган.

Шу билан бирга, ўрганишлар қабул қилинган қонун ҳужжатларини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ижро этиш бўйича етарли чоралар қўрилмаётганлигини, масъул органлар раҳбарларида юклатилган вазифаларни бажаришда ташаббускорлик йўқлигини кўрсатди. Хусусан:

Биринчидан, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини шакллантириш таъминланмаган, улар фаолиятини молиялаштиришнинг аниқ манбалари ва механизмлари белгиланмаган, ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш учун ер участкаларини ажратиш масалалари ҳал этилмаган;

Иккинчидан, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш

бўйича Республика кенгаши томонидан эркин иқтисодий зоналарнинг ишини самарали ташкил қилиш ва инвестицияларни жалб этиш бўйича етарли чоралар қўрилмапти;

Учинчидан, эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланган транспорт,

йўл ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мавжуд эмаслиги

уларнинг ҳудудда юқори сифатли фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйиш имконини бермапти, зоналарнинг бош режаларини ишлаб чиқиш жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ва инвесторларда юзага келаётган муаммоларни эътиборга олмаган ҳолда амалга оширилмоқда;

Тўртинчидан, давлат-хусусий шериклик шартларида ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш ва фаолият йўритишнинг ҳуқуқий тартиби белгиланмаган, уларнинг

жойлашуви тасдиқланмаган, бу эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига шундай дорихоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилмаслигига олиб келган;

Бешинчидан, дорихоналарда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва tibbiy буюмларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш, шунингдек, дорихоналарнинг жойлашуви, дори воситаларининг ассортименти ва нархи ҳақида аҳолини хабардор қилиш бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш жараёни паст суръатларда бормоқда;

Олтинчидан, фармацевтика тармоғи муассасаларининг илмий-тадқиқот фаолияти замонавий талабларга жавоб бермайди, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалаларига етарли эътибор қаратилмапти;

Еттинчидан, мавжуд илмий ишланмаларни амалиётда сино-

дан ўтказишнинг самарали тизими мавжуд эмас, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, дори воситалари ва tibbiy буюмларни ишлаб чиқиш соҳасида янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича етарли чоралар қўрилмапти.

Мазкур ҳолатлар фармацевтика тармоғини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қўрилаган чораларнинг суғлаштишига олиб келмоқда, аҳоли ва tibbiy муассасаларини арзон дори воситалари ва tibbiy буюмлар билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).

Тиббиёт ютуқлари

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА ЖИГАР ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўтган 2017 йил мамлакатимиз тиббиёти учун муҳим бурилишлар ясалган йил сифатида тарихга кирди. Бирламчи тиббиёт тизими, шошилич tibbiy ёрдам, хусусий сектор, дори-дармон таъминоти ҳамда ихтисослаштирилган tibbiy хизмат йўлида йирик ислоҳотлар амалга оширилди.

Шундай янгиликлардан бири Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва бевосита топшириғи билан мамлакатимиз тиббиёти тарихида илк бор органлар трансплантацияси бўйича замонавий операцияларни амалга ошириш бошлангани бўлди. Ҳозирда соҳа фаолиятининг ҳуқуқий асоси муштаҳамланмоқда.

Айни дамда ушбу фаолият Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрдаги “Яқин қариндошлар орасида буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантация қилиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тартибга солинган.

Қарор сурункали буйрак ва жигар касалликларининг терминал босқичидаги беморларни юқори технологияли ихтисослашган tibbiy ёрдам билан таъминлаш, яқин қариндошлик трансплантациясини ташкил қилиш мақсадида қабул қилинган. Низом буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантация қилиш тартибини, трансплантацияни бажаришга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни, донор ва реципиентнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра, ўтган йилдан бошлаб Академик В. Воҳидов номидagi Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида яқин қариндошлар ўртасида буйрак кўчириб ўтказиш бўйича операциялар муваффақиятли бажариб келинмоқда. Қуни кеча марказда мамлакатимиз тиббиёти тарихида биринчи марта беморга тирик донор қариндошдан жигар бўлагини кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилди. Операция Академик В. Воҳидов номидagi Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, академик Феруз Назиров ва Россиянинг Академик В. И. Шумаков номли Трансплантология ва сунъий аъзолар Миллий тиббиёт тадқиқот маркази директори, академик Сергей Готье раҳбарлигида ўтди.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

1. Эркин иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш соҳасидаги ишларни ташкил этиш борасидаги фаолиятини қонуний деб топилисин.

Ишда жиҳдий камчиликларга йўл қўйилганига ва лозим даражадаги ташаббускорлик йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори З. А. Дусанов ва мазкур агентлик директорининг биринчи ўринбосари М. М. Дусмуратов ағзалар турган лавозимдан озод этилганлиги маъмурият учун қабул қилинсин.

2. Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари "Йўл харитаси"нинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланган.

3. "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлик-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналаридаги ҳақиқий вазиетини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ишчи гуруҳлар 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳлар томонидан икки ой мuddатда:

эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш учун ажратилган ер участкаларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги, транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш имкониятлари мавжудлиги нуктаи назардан ўрганилишини; эркин иқтисодий зоналар бош режаларининг жойлардаги ҳақиқий вазиетини ва уларни амалда ижро этиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилишини;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун потенциал инвесторларни жалб этиш чораларини кўришни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Қ. В. Акмалов) икки ой мuddатда ишчи гуруҳлар фаолиятининг яқунлари бўйича қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Доривор ўсимликларнинг плантацияларини ташкил этиш бўйича тадбирлар дастури;

Тайёр дори воситалари ва тиббий буюмлар, ёрдамчи ва ўраш-жойлаш материалларини ишлаб чиқариш бўйича эркин иқтисодий зоналар ҳудудда амалга оширилиши режалаштирилган

инвестиция лойиҳалари рўйхати.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, "Ўзбектелеком" АЖ бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда эркин иқтисодий зоналарнинг бош режалари тасдиқлангандан кейин бир ой мuddатда эркин иқтисодий зоналарнинг транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминласин.

6. Ҳар бир эркин иқтисодий зонага Қорақалпоғистон Республикаси ва тегишли вилоятлар прокурорлари бириктирилиб, уларнинг мазкур соҳадаги асосий вазифаларни сифатида қуйидагилар белгилансин:

эркин иқтисодий зоналар бош режаларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши устидан назоратни амалга ошириш;

лойиҳалар ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш;

янги ташкил этилаётган қувватларни транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш ҳамда уларнинг сув, газ ва электр таъминотида гунаҳли устидан назоратни амалга ошириш;

лойиҳалар ташаббускорларига рухсат берувчи ва бошқа ҳужжатларни олишда, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган масалаларни ҳал этишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

лойиҳалар ташаббускорларига лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишда тўққинлик қилаётган, ортиқча бюрократик тўсиқларни яратётган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қатъий чоралар кўриш.

Белгилансинки, вилоят миқёсидаги маъмурият органлари ва ташкилотлар ҳар ойда Қорақалпоғистон Республикаси ва тегишли вилоятлар прокурорларига эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган ишларнинг бориши ҳақида ҳисобот тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

икки кун мuddатда туман (шаҳар) тиббиёт биришмалари, кўп тармоқли, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларида ижтимоий дорихоналарни жойлаштириш имкониятларини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш учун ишчи гуруҳларни ташкил этсин;

ўтказилган ўрганишни инобатга олган ҳолда, 2018 йил 1 апрелга қадар мuddатда ижтимоий дорихоналарнинг жойлашувини тасдиқласин;

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ижтимоий дорихоналар тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 июнга қадар мuddатда 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепциясини тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Аxborot технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

а) 2018 йил 1 декабрга қадар мuddатда қуйидаги имкониятларни тақдим этишда Интернет тармоғида аxborot порталини, шунингдек, мобиль иловаларни яратсин;

асосий аxborot индикатори сифатида лицензия мавжудлигини акс эттирган ҳолда дорихоналарнинг жойлашувини аниқлаш; дори воситалари ва тиббий буюмларни, зарур ҳолларда сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларни тегишли дорихоналар томонидан аҳолига етказиб беришни таъминлаган ҳолда реал вақт режимида сотиб оlish;

б) 2018 йил 1 майга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикасида дори воситалари ва тиббий буюмларни ҳисобга олиш ва ҳисоб-китоб жараёнини автоматлаштириш, шунингдек, улар ҳақидаги зарур аxborotни тақдим қилган ҳолда дори воситалари ва тиббий буюмларни идентификация қилиш имконини берувчи махсус маркировка тизимини жорий этиш мумкинлиги масаласини ўрганиш;

в) 2018 йил 1 апрелга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат тиббиёт муассасалари ва ижтимоий дорихоналарда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ҳисобини олиб боришининг, шу жумладан бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланишини теzkор аниқлаш ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи автоматлаштирилган тизимни яратиш бўйича тақлифлар киритсин.

9. Аҳолини дори воситалари билан таъминлашдаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш бўйича жамоатчилик комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) таркиби ва ҳудудларда ҳар ҳафталик учрашувларни ташкил этиш графиги 3 ва 4-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Комиссия (К. М. Рафиков):

ҳар 10 кунда ҳудудларга бориш ва жойларда учрашувлар ўтказиш орқали дори воситалари билан таъминлашда аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил қилсин;

фармацевтика тармоғида кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва манзилли бўлиши, уларнинг мазкур соҳадаги ишлар ҳолатини яхшилашга реал таъсир кўрсатиши масалалари бўйича фуқароларнинг фикр, мулоҳаза ва тавсияларини ўрганиш орқали аҳоли билан акс алоқани таъминласин;

фуқароларни, айниқса, ижтимоий эхтиёжман ва бориш қийин бўлган ҳудудларда яшайдиган фуқароларни ижтимоий аҳамиятга эга ва арзон дори воситалари билан таъминлаш бўйича ишларнинг ҳақиқий ҳолатини пухта ўрганиш;

аҳолини дори воситалари билан таъминлаш ва унинг аҳоли яшаш жойларида етарлилиги, шунингдек, ижтимоий дорихоналарнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича мавжуд инфратузилмани танқидий ўрганиш;

дори воситалари нархининг ошишига ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқласин, аниқланган муаммоларни бартараф этиш,

аҳолини дори воситалари билан ўз вақтида таъминлаш бўйича прокуратура органлари билан биргаликда тезкор чоралар кўрсин;

мазкур қарор ижро этилиши жараёнини мунтазам ўрганиш, ушбу масала бўйича маъсул давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитсин, юқлатилган вазифалар ижросининг бузилиши ҳолатлари ва сабабларини аниқлаш ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида прокуратура органларини ўз вақтида хабардор этсин;

кредитлар бериш, ер участкалари ажратиш, тегишли лицензия ва рухсатномалар олиш, инфратузилмага улашишда мавжуд муаммоларни теzkор ҳал этиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари ва потенциал чет эл инвесторлари билан учрашувлар ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Ўзавтосаноат" АЖ билан биргаликда олиш жойларда яшовчи аҳолига, энг аввало, ижтимоий аҳамиятга эга ва энг зарур дори воситаларини сотишни таъминлайдиган "Дамас" автомашиналарида кўчма дорихоналарни ташкил этиш чораларини кўрсин;

оммавий аxborot воситалари, шу жумладан телевидениеда амалга оширилаётган ишларнинг бориши ва натижалари мунтазам ёритилишини ташкил этсин;

ўтказилган ҳар бир жойга чиқиб ўрганиш ва учрашувлар якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига аxborot киритсин.

10. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Комиссия фаолиятини доирасида

унинг раиси талабномаси бўйича ҳар йили маҳаллий қатновдаги поездларнинг барча турларига темир йўл чипталари захира қилиб қўйилишини ва бепул расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Республикада яратилган ва ишлаб чиқариладиган устувор дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини аниқлаш бўйича ишчи комиссия 5-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи комиссия уч ой мuddатда:

фармацевтика бозорини ўрганишни ҳамда ташхис қўйиш ва даволаш стандартларини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлаш учун устувор бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини аниқлаш;

ўрта мuddатли истиқболда жорий этиш учун истиқболли дори воситалари ва тиббий буюмларнинг маҳаллий ишланмаларини аниқлаш;

эҳтиёж учун зарурлиги, ижтимоий аҳамияти, ишлаб чиқаришга жорий этишнинг мақсада мувофиқлиги ва мумкинлигидан келиб чиқиб, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тоифаларини аниқлашни таъминласин.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги Бош прокуратура ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти, "Шарк табобати" илмий-тадқиқот институтининг

фаолиятини танқидий ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ўқув-илмий лабораторияси ва тажриба-ишлаб чиқариш мажмуасини ташкил этишни назарда тутган ҳолда тақлифлар киритсин.

13. Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 апрелга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш учун хом ашёни импорт қилишда кўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзни қўллаш механизмини соддалаштириш юзасидан тақлифлар киритсин, бунда тасдиқланган рўйхат асосида имтиёз қўллаш тартиби истисно қилиниб, дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш учун олиб қирилган, республикада ишлаб чиқариладиган хом ашё ва субстанцияларга кўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар қўлланилмаслиги назарда тутилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига дори воситалари ва тиббий буюмлар тайёрлаш учун республикада ишлаб чиқариладиган хом ашё ва субстанциялар рўйхатини тақдим этсин.

14. Бош прокуратура (О. Б. Муродов), Ўзбекистон Республикаси Президенти девонини Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари хизмати (Р. С. Касимов), Сийёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати (Б. М. Мавлонов), Ҳисоб палатаси (М. М. Икромов) ва Вазирлар Маҳкамаси (К. В. Акмалов):

ҳар чоракда графикаларни тасдиқласин ва улар асосида

ишчи гуруҳлар, маъсул вазирликлар ва идоралар вакиллари, фармацевтика корхоналари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, инвесторлар иштирокида "Йўл харитаси" ва мазкур қарорда белгиланган бошқа вазифаларнинг бажарилиши жараёни ҳар ҳафта муҳокама қилинишини ташкил этсин;

муҳокама яқунлари бўйича юқлатилган вазифалар ижросининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Р. С. Касимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси К. М. Рафиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

(Давоми. Боши
1-бетда).

Тиббиёт ютуқлари

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА ЖИГАР ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Паркентлик 26 ёшли бемор Убайдулла Дадахўжаев узок йиллардан буён жигар циррози хасталигидан азият чекарди. Унинг аҳоли кундан-кунга ёмонлашиб борар ва дори-дармонлар билан даволаш деярли имконсиз эди. Умрининг энг гуллаган даврида шундай оғир дардга чалиниш, дард бемор ҳаётини хавф остига қолдираётганини тан олиш бутун оила учун мусибат. Бугун шифокорларимиз ўз маҳорати, билим ва амалий тажрибаси билан бир инсон ҳаётини сақлаб қолди ва келгусида шундай беморларга тиббий ёрдам бериш тажрибасини йўлга қўйди.

– Трансплантация жарроҳлиги замонавий тиббиётнинг истиқболли йўналишларидан бири. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу соҳа ривожига давлат даражасида эътибор қаратиб келаётгани ҳам унинг нақадар муҳимлигини исботлайди, – дейди Академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирил-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, академик Феруз НАЗИРОВ. – Жигар циррози билан оғирган бемор ҳаётини сақлаб қолишнинг ягона йўли – трансплантация амалиётини ўтказиш ҳисобланади. Марказимизда ўзбек ва рус жарроҳлари ҳамкорлигидаги гуруҳ иштирокида илк бор жигар циррози билан оғирган 26 ёшли беморга унинг акаси 30 ёшли Ҳаёт Дадахўжаев донорлигида жигар бўлаги трансплантацияси бажарилди. Жараёнда 21 нафар шифокор, 10 нафар ўрта тиббиёт ходимлари иштирок этишди. Айтиб ўтиш лозим, амалиётга катта тайёргарлик кўрилган бўлиб, марказнинг техник имкониятлари яхшиланиб, мутахассисларимиз АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Туркия, Швейцария ва Россия Федерацияси каби давлатларда айна шу соҳа бўйича малака ошириб қайтишди. Аввало, донор ва реципиент (бемор) ушбу амалиётга 3 ой давомида тайёрланди. Трансплантацияга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар тўлиқ ўрганилди ҳамда амалиётни ўтказиш бўйича якуний қарор қабул

қилинди. Операция жараёни қарийб 15 соат давом этди. Ҳозиргача олинган барча таҳлиллар бемор ва донорнинг умумий саломатлиги яхши эканини кўрсатмоқда. Шу маънода айта оламизки, биринчи марта ўтказилган ушбу мураккаб операция муваффақиятли бажарилди.

Белгиланган тартибга кўра, трансплантациядан кейин донор ва реципиент камидан уч йил давомида профилактик диспансер кўриги билан таъминланади. Худуддаги оилавий поликлиникада ҳам уларга алоҳида кўриқлар ташкил этилиб, доимий патронаж назоратига олинади. Бундан ташқари, қонунчиликда белгиланган тартибда улар тегишли дори воситалари билан ҳам таъминланади.

Маълумот учун, жигарнинг терминал босқичдаги сурункали диффуз касалликлари, ўткир жигар етишмовчилиги, резекция қилинмайдиган манбали жигар касалликлари каби ҳолатларда фақатгина шу ёзро трансплантацияси бемор ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Бундай юқори технологик операциялар Америка, Россия, Германия,



Норвегия, Швейцария ва Хиндустон каби тиббиёти ривожланган давлатлардагина бажарилади, холос. Бугун юртимиз ушбу мамлакатлар қаторидан бўлган давлатлардагина бажарилади.

Трансплантология тиббиётнинг энг мураккаб, ўта масъулиятли ва айна пайтда, эҳтиёж ортиб бораётган йўналишларидан бири саналади. Сир эмас, илгари зарурат туфайли айрим беморлар чет давлатларга бориб, 40 мингдан 150-200 минг АҚШ долларигача бўлган нархларда ана шу жарроҳлик амалиётини ўтказишга мажбур бўлаётган эди. Мана, энди шундай мураккаб ва ноёб операциялар юртимиздаги тиббиёт марказларида ҳам муваффақиятли ўтказилмоқда. **Фуркат САНАЕВ.**

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

МИНИСТЕРСТВА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПРАВЛЕНИЯ АКЦИОНЕРНО-КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА "АСАКА"

Об утверждении порядка использования средств Фонда развития негосударственных медицинских учреждений при Акционерном коммерческом банке "Асака"

Во исполнение пункта 7 Постановления Президента Республики Узбекистан от 29 декабря 2017 года № ПП-3450 "О со-

здании дополнительных условий по дальнейшему развитию частных медицинских организаций" Министерства здравоохранения

Республики Узбекистан и Правления Акционерно-коммерческого банка "Асака" постановляет:

1. Утвердить порядок ис-

пользования средств Фонда развития негосударственных медицинских учреждений при Акционерном коммерческом банке

"Асака" согласно приложению. 2. Настоящее постановление вступает в силу после официального опубликования.

Министр здравоохранения
г. Ташкент,
25 января 2018 года,
№ 3

А. ШАДМАНОВ

Председатель правления
г. Ташкент,
25 января 2018 года,
№ 18

К. МУЛЛАЖАНОВ

Приложение к постановлению Правления Акционерно-коммерческого банка "Асака" и Министерства здравоохранения Республики Узбекистан от "25" января 2018 года №3 и №18

ПОРЯДОК

использования средств Фонда развития негосударственных медицинских учреждений при Акционерном коммерческом банке «Асака»

Глава 1. Общие положения

1. Настоящее положение разработано в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 29 декабря 2017 года № ПП-3450 "О создании дополнительных условий по дальнейшему развитию частных медицинских организаций" и определяет порядок использования средств Фонда поддержки развития частного сектора здравоохранения при Акционерном коммерческом банке "Асака" (далее – Фонд).

2. Фонд создается при Акционерном коммерческом банке "Асака" (далее – банк "Асака") без образования юридического лица для оказания финансовой поддержки развития частного сектора здравоохранения,

путем софинансирования их инвестиционных проектов и привлечения высококвалифицированных зарубежных специалистов в частные медицинские организации, а также обучение и повышение квалификации местных специалистов.

3. Фонд формируется в иностранной валюте.

4. Средства Фонда размещаются на специальном валютном счете 29896 – "Прочие обязательства" в банке "Асака".

Глава 2. Формирование средств Фонда

5. Источниками формирования Фонда являются средства Республиканского фонда "Махалля", а также средства из иных источников, не противоречащих действующему законодательству.

6. Для формирования Фонда

в банке "Асака" открывается в установленном порядке специальный валютный счет 29896 – "Прочие обязательства" Фонда.

7. Учет движения средств по счету Фонда осуществляется банком "Асака".

Глава 3. Использование средств Фонда

8. Средства Фонда используются на следующие цели, путем предоставления кредитов или лизинговых услуг через коммерческие банки модернизируемые, а также вновь создаваемые частными медицинскими организациями на:

- укрепление материально-технической базы частных медицинских организаций, путем оснащения их современным медицинским оборудованием, специальным инвентарем и инстру-

ментами, путем направления до 95 процентов от общей суммы средств Фонда за финансовый год;

– привлечение высококвалифицированных зарубежных специалистов в частные медицинские организации, а также обучения и повышения квалификации местных специалистов, путем направления до 5 процентов от общей суммы средств Фонда за финансовый год.

9. Установить, что Фонд выделяет средства на срок до 5 лет по ставке 2 процента годовых для финансирования инвестиционных проектов, обеспеченных собственными средствами частных медицинских организаций не менее 25 процентов от стоимости проекта, и отвечающих одним из следующих критериев:

- организация современных высокотехнологических лабораторно-диагностических исследований, в том числе с применением патоморфологических, гистологических, молекулярных и других современных видов исследований, а также с применением малоинвазивных методов оперативных видов исследований;
- организация специализированных высокотехнологических видов оперативного вмешательства, приоритетно с применением малоинвазивных методов;
- приобретение автоматизированных комплексов для проведения оперативных вмешательств (роботов);
- на привлечение специалистов (Продолжение на 4-й стр.)

Приложение

к постановлению Правления Акционерно-коммерческого банка "Асака" и
Министерства здравоохранения Республики Узбекистан от "25" января 2018 года №3 и №18

ПОРЯДОК

использования средств Фонда развития негосударственных медицинских учреждений при Акционерном коммерческом банке «Асака»

стов ведущих зарубежных медицинских центров и клиник, специализирующихся на проведении современных высокотехнологичных видов оперативного вмешательства;

– на повышение квалификации отечественных медицинских специалистов в ведущих зарубежных медицинских центрах и клиниках, по основным востребованным направлениям.

Процентные доходы, полученные от финансирования ин-

(Окончание.

Начало на 3-й стр.)

вестиционных проектов частных медицинских организаций, направляются на пополнение Фонда.

10. Министерство здравоохранения Республики Узбекистан определяет перечень современных и высокотехнологичных медицинских оборудований, приоритетных медицинских специализаций, а также перечень наиболее востребованных направлений для привлечения иностранных медицинских специалистов и организации переподготовки и повышения квалификации отечественных медицинских специалистов за рубежом.

11. Оплата расходов, выезжающим за рубеж и прибывающим в республику специалистам осуществляется за счет средств Фонда, осуществляется в соответствии с действующим законодательством.

12. Для принятия решения Фонд имеет право привлекать экспертов для независимой оценки инвестиционных проектов.

13. Средства Фонда выделяются на софинансирование инвестиционных проектов, отвечающих требованиям пункта 9 настоящего Положения выделяются в свободно конвертируемой валюте.

14. Средства, полученные в национальной валюте в счет погашения обязательств перед Фондом, возмещаются путем конвертации средств на УзРББ в установленном порядке.

15. Средства Фонда, предусмотренные к использованию, выделяются на основе заключения Министерства здравоохранения Республики Каракалпакстан, управлений здравоохранения областей и г. Ташкента о целесообразности реализации инвестиционного проекта в данном конкретном регионе, предусматривающем необходи-

мость развертывания оказания соответствующих медицинских услуг.

16. Расходование средств Фонда на цели, не предусмотренные настоящим Порядком, не допускается.

17. Остатки средств Фонда по итогам текущего финансового года изъятию не подлежат и переносятся на следующий год.

18. Проведение и оформление операций со средствами Фонда осуществляются соответствующими подразделениями банка "Асака" в установленном порядке.

Ислохот ва жараён

ЖОЙЛАРДАГИ ЁШ ШИФОКОРЛАР ШИЖОАТИ

Тошкент вилояти

«Иш фаолиятимизни бошлаш ва янги жамоага кўникиш у қадар қийин кечмади», – дейди Қибрай туман тиббиёт бирлашмаси катталар реанимацияси бўлими шифокори Фурқат Тиллаев.

Бугун мамлакатимиз тиббиёт тизимида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳани ривожлантиришга, тақомиллаштиришга ҳисса қўшадиган ҳар қандай янгилик ва самарали чора-тадбирлар амалиётга изчил татбиқ этилмоқда. Жумладан, ёш мутахассислар ҳамда улар фаолияти хусусида ҳам ана шундай дейиш мумкин.

римиш 100/98 фоизга бартарарф этилди. Авваллари ходимлар етишмаслиги оқибатида 1 нафар умумий амалиёт шифокориغا 4,5-5 минг нафар аҳоли тўғри келган бўлса, айни пайтда бу рақам 2 мингга қисқарди. Бу эса, албатта, тўлиқ патронаж билан қамраб олиш, халқимизга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга хизмат қилади. Бундан ташқари, тез тиббий ёрдам хизматимиз жамоаси асосан ўрта тиббиёт ходимларидан иборат эди. Яратилган имкониятдан унумли фойдаланиб, 7 нафар олий мутахассидан иборат малакали гуруҳ тузишга ҳам муваффақ бўлдик. Бу дегани, бирламчи тиббий-санитария бўлими ўз вазифасини тўлиқ бажарса, стационар хизматга бўлган талаб 50 фоизга камаяди, сурункали касалликлар ҳамда ногиронликка ўтишининг олди олинади. Бунинг эвазига бюджет маблағлари тежалади, энг муҳими, аҳоли саломатлигини таъминлаш юқори кўрсаткичга олиб чиқилади.

Шундан сўнг, тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли поликлиника шароити билан танишиб, муассасада янгидан иш бошлаган ёш мутахассислар билан суҳбатда бўлдик. Шунчи ҳам айтиш муҳими, поликлиникада иш қизгин, саломатлиги юзасидан мурожаат этиб келган аҳоли оқими эса халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи мустаҳкамлиги бораётганидан далолатдир.

– Мен жорий йилда Тошкент тиббиёт академиясининг тиббий педагогика факультетини тамомлаб, Қибрай тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида умумий амалиёт шифокори сифатида меҳнат фаолиятини бошладим, – дейди Садоқат Расулова. – Жамоа аъзолари илик қутиб олган ҳолда, ишлагани учун барча зарурий шароитларни яратиб берди. Поликлиникада ҳар бир мутахассисга маълум ҳудудлар белгиланган бўлиб, менга ажратилган 9-участкада 2 минг 89 нафар аҳоли истикомат қилади. Булар орасида туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, 1 ёшгача бўлган болалар, назоратга олинган беморлар – ногиронлар, меҳнат fronti қатнашчилари ҳамда қариялар мавжуд. Ўз ўрнида уларнинг ҳар бири билан алоҳи-

да ишлаш талаб этилади. Аҳамиятлиси, аста-секинлик билан аҳоли орасига кириб бораётган. Менга тажрибамдан кўпроқ эътиборни талаб қиладиган беморлар билан ишлашим учун устоз-шо-

Эътиборлиси, янги кадрлар билан суҳбатлашар эканмиз, бўш иш ўринларини тўлдириб мақсадида битирувчи ва муассасалар ўртасида тузилган шартномаларда ёш мутахассис-



Маълумки, ўтган давр мобайнида Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимининг бошқа йўналишлари қатори тиббий таълим тизимини янада тақомиллаштириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида олий тиббий таълим тизимига қатор ўзгаришлар киритилди. Яъни тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриятнинг даволаш иши, касбий таълим, ҳарбий-тиббиёт, педиатрия иши таълим турлари бўйича 6 йил, тиббий-биологик 4 ва тиббий-профилактика иши йўналишларида тахсил олувчилар учун ўқув йили 5 йил этиб белгиланди. Бу жараённинг эътиборли жиҳати, "даволаш иши", "касбий таълим", "ҳарбий тиббиёт иши ва педиатрия иши" йўналишлари бўйича таълим олган бакалавр ҳамда клиник ординатуранинг битирувчи талабалари январь ойининг 10 санасигача ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларига йўналтирилиши кўзда тутилган эди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, Тошкент вилояти Қибрай тумани тиббиёт бирлаш-

маси бўлимида иш бошлаган ёш мутахассислар фаолияти билан яқиндан танишдик.

Ақром ЭРГАШЕВ,
Қибрай туман тиббиёт
бирлашмаси бошлиғи:

– Маълумки, тизимдаги кадрлар етишмаслиги билан боғлиқ масалаларга оид Юртбошимиз томонидан 2017 йилда кўплай меъерий-ҳужжатлар қабул қилиниб, бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Айтиш кераки, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бир ой давомида ҳудудлардаги шифо масканларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ўрганиб, тегишли ҳулоса чиқарилди. Натихада, шифохоналардаги бўш иш ўринлари тиббиёт олий таълим муассасаларини муддатидан олдин якунланган 7-босқич бакалавр ва клиник ординатура йўналиши битирувчилари билан тўлдирилди. Муассасамизнинг амбулатор поликлиника хизматида умумий амалиёт шифокорлари, шунингдек, педиатр, терапевт, тез тиббий ёрдам шифокори, анестезиолог-реаниматолог каби кадрлар етишмасди. Шу боис, 40 нафар битирувчи билан уч томонлама шартнома туздик. Натихада вақант ўринларга доир муаммола-



лар танлови ва хоҳиш-истаклари тўлиқ инobatга олинганлиги ишонч ҳосил қилдик.

– Қисқа фурсатда бўлса-да, иш фаолиятимизни бошлаш ва янги жамоага кўникиш у қадар қийин кечмади, – дейди Қибрай туман тиббиёт бирлашмаси катталар реанимацияси бўлими шифокори Фурқат Тиллаев. – Кадрлар етиш-

маслиги муаммоларини барта-

раф этиш мақсадида таълим жараёнини муддатидан олдин таъминлаган бўлсак ҳам, ўйлайманки, бу фаолиятимизга салбий таъсир кўрсатмади. Сабаби, бўлимиш ходимларининг ақсарити тажрибали мутахассислар. Зарурий пайтларда мурожаат қилсак, улар ўз масалаҳатларини аяшмайди. Малаканинг муҳимлиги шундаки, бу ердаги беморларнинг 60-70 фоизи шикоят билдиролмайди. Чунки, бемор оғир ёки ҳуссиз ҳолда бўлади. Бундай вазиятда беморнинг кўз қорачиғи, тери ранги, умумий ҳолати, нафас олиши, юрак уриши ва электрокардиографиясига қараб тахшиш қўйилади, буларнинг барчасида шифокор тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 5-бетда).

Ислохот ва жараён

Тошкент вилояти

ЖОЙЛАРДАГИ ЁШ ШИФОКОРЛАР ШИЖОАТИ


«Иш фаолиятимизни бошлаш ва янги жамоага кўникиш у қадар қийин кечмади», – дейди Қибрай туман тиббиёт бирлашмаси катталар реанимацияси бўлими шифокори Фурқат Тиллаев.

Устозларимиз айтганидек, тиббиётнинг ҳар дақиқаси билим ҳамда тажрибадан иборатдир. Сир эмаски, тиббиётимизнинг оғриқли нуқталаридан яна бири бу аҳолига сифатли тез тиббий ёрдам хизмати кўрсати-

ширикларига кўра, ўқув йилини мuddатидан олдин тамомладик, – дейди **Ҳасанхон Аюбхонов**. – Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамда иш берувчи муассаса томонидан таклиф этилган шартнома асосида ўзим хоҳлаган

жамоамиз ҳар бир чақирувга тайёр ҳолда туради. Бунинг учун керакли шароитлар билан таъминланганмиз.

– Биламизки, одатда психиатр қабули дейилганда кўпчиликда нотўғри таассурот пайдо бўлади, – дейди **ёш мутахассис Павел Порхошов**. – Аслида саломатлигимизга жиддий зарар етказадиган барча омиллар, аввало, оиладаги ижтимоий ҳолат ва умумий муҳитдан бошланади. Улар инсон рухиятига таъсир этиб, жиддий хавфгача олиб келади. Бу болаларда тарбия жараёни билан боғлиқ ҳолда кечади. Нафақат оила, балки мактаб, мактабгача таълим муассасаси, шунингдек, тенгдошлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам улар кайфиятини белгилаб беради. Бунинг натижасида юзага келган тушунлиқ аста-секинлик билан ўзининг салбий оқибатларини намоён этади. Шу маънода, Президентимиз бежиз оила фаровонлиги ва инсон саломатлигини таъминлаш, патронаж тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганлари йўқ. Чунки, мустақам келажак ва Ватан тараққиётига баркамол авлод, соғлом инсон хизмат қилади. Шунинг учун мазкур ҳолатларда энг тўғри қарор мутахассисга мурожаат қилишидир. Бу борада ҳам профилактика лозим, шу йўл билангина аҳоли саломатлигини асраш каби эзгу мақсадларимизга осон эришамиз.



Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз тиббиётини ривожлантириш, аҳолини сифатли тиббий хизматлар билан қамраб олиш, кадрлар етимишчилигига оид муаммоларни бартараф этишга қаратилган мазкур ислохотлар ижобий самара бермокда. Ёш мутахассислардаги

шижоат, ишчанлик ва ўз касби-га масъулият билан ёндашиш уларга ана шундай ишонч билдиришимизга асос бўлади. Фикримиз тасдиғи сифатида тахлил этилган фаолиятлар эса мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги тиббиёт муассасаларида ҳам давом эттирилмокда.

Бу ўз ўрнида жойларда аҳолининг шифокорларимиз томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлардан рози бўлиши баробарида, уларни патронаж тизими, тиббий профилактика билан қамраб олиш имконини беради. Шундай экан, мамлакатимизда олиб борилаётган мазкур ислохотлар, аввало, инсон манфаатлари учун хизмат қилаётганига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.

Суратлар муаллифи **Ақром АБДУЛЛАЕВ.**



тиш билан боғлиқ бўлиб, ушбу фаолият ҳудудларда ҳам босқичма-босқич такомиллаштирилмокда.

– Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги кадрлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш тўғрисидаги топ-

худудда иш фаолиятимизни бошладим. Очиғи, бошида касб масъулияти, эгаллаган билимларимизни амалиётда қўллаш билан боғлиқ бир оз қийинчиликлар бўлди. Ўқиш мобайнида ҳам назария ва амалиётни бирга олиб борганимиз, аммо унда барча масъуллик бизнинг зиммамизга тушмас эди. 24 соатлик навбатчиликда 10 та баъзан 15 тагача чақирққа чиқишимизга тўғри келади. Мехнат

(Давоми. Боши 4-бетда).

Ҳамкорлик ришталари

ЭЗГУ ИШЛАР БАРДАВОМЛИГИ

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган изчил фаолиятлар боис, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб, халқимиз бу каби эзгу ишлардан мамнун бўлмокда. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тиббиёт соҳасига қаратаётган эътибор ва гамхўрликлари кўп сонли фуқароларимиз томонидан эътироф этилаётганлигининг гувоҳи бўлиб келмокда.

Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг тиббиёт тизимида халқорам ҳамкорлик ишларини янада ривожлантириб, тажриба алмашиш борасидаги ташаббуслари чет эллик соҳа мутахассислари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритишга кенг имконият яратди, десак муболага бўлмайд.

Айтиш жоизки, Президентимиз 2017 йилнинг 22-24 ноябрь кунлари Жанубий Кореяда давлат ташрифи билан бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги ҳамдўстлик ришталарини янада узвий боғлаганликлари барча соҳалар қатори Соғлиқни сақлаш тизимидаги фаолиятларда ҳам ўз ифодасини топиб келаётганлиги, албатта, қувонарли ҳолдир. Бунинг тасдиғи сифатида **2018 йилнинг 8-11 январь кунлари** Жанубий Корея Республикаси «Wooridul Spine Hospital» шифохонаси етакчи мутахассиси, MD, PhD, доктор Sang Soo Eun Республика 1-сонли клиник шифохонасига ташриф буюрди. Муассасада даволанаётган 45 нафар беморни амбулатор кўриқдан ўтказди. 4 нафар беморда мурракаб умуртка ва тизза бўғими операцияларини маҳаллий шифокорларимиз билан биргаликда амалга оширди. Шунингдек, клиникада фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг



тажриба кўламларини янада бойитиш мақсадида «Minimally invasive spine surgery» мавзусида маъруза қилиб, иштирокчилар билан ўзаро фикр алмашди.

Республика 1-сонли клиник шифохонасининг бош шифокори Азиз Ибрагимов билан суҳбатда бўлганимизда бундай ҳамкорликлар тиббиёт муассасасида 2016 йилдан буён йўлга қўйилганлигини айтиб, бу эзгу ишлар ташаббускори – Президентимизга ўз ташаккурини билдирди. Яратилаётган кенг имкониятлар, айниқса, ёш мутахассислар малакасини оширишда катта қадам бўлаётганлигини мамнуният билан таъкидлади ва

мазкур ҳамкорликда клиниканинг ёш, изланувчан ортопед-травматолоғи Камолхўжа Эшназаровнинг бу борада олиб бораётган ишларига эътибор қаратди.

– Аввало, Юртбошимизнинг ёш олимлар учун илмий сало-



8-11 январь кунлари Жанубий Корея Республикасининг «Wooridul Spine Hospital» шифохонаси етакчи мутахассиси, MD, PhD, доктор Sang Soo Eun клиникамизга ташриф буюриб, даволанаётган беморларни тиббий кўриқдан ўтказиш баробарида тўрт нафар беморда умуртка ва тизза бўғими операцияларини ҳамкорликда амалга оширди. Шу ўринда айтишим жоизки, юқорида таъкидлаганимдек, ҳозиргача мазкур университет ва клиникалардан бешта гуруҳ шифокорлари шифохонамизга ташриф буюриб, олиб борган тиббий кўрик ва операцияларини имтиёзли тарзда амалга ошириб келмокдалар. Бундан

ташқари, ушбу ҳамкорлигимиз туфайли клиникамизга янги технологияларни олиб киришга ҳам муваффақ бўлиб, жумладан, артроскопия ва эндопротезлаш амалиётларини бажариб келмокдамиз. Ҳамкорлигимизнинг янада аҳамиятини томони шундаки, муассасамиз ходимларининг барча тиббиёт муассасаларида ўзаро тажриба алмашиб қайтмокда. Албатта, бундай мақсадли вазифалар келажакда ўз махсулини бериши учун ҳамжиҳатликдаги фаолиятларимиз бардавомлиги янада ошаверади, – дейди Камолхўжа Эшназаров.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Президентимизнинг бундай эзгулик йўлида олиб бораётган ҳамкорликлари давлатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини боғлаш билан бирга, халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган ишларга пухта замин яратиши шубҳасиздир.

Ибодат СОАТОВА.

Конференция

СОҲАНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Маълумки, 2017 йил 24 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 537-сонли Қарори қабул қилинган эди. Бунинг баробарида, мазкур ҳужжат асосида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликларга, шу жумладан, вирусли гепатитларга ташхис қўйиш, улар профилактикаси ва уларни даволаш усулларини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилганди.



Унда белгиланган вазифалар ижроси бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги, хусусан, Вирусология илмий-текшириш институти бир қатор фаолиятлари амалга ошириб келмоқда. Айтиш жоизки, тиббиётнинг ушбу йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича клиник ўқув база ҳисобланган диган мазкур муассаса соҳада илмий-педагогик ва координацион фаолиятни йўлга қўйиш, юқумли касалликларни ташхислаш, даволаш, профилактикаси бўйича аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Вирусли гепатит, ОИВ, парранда гриппи, арбовирус ва бошқа вирусли инфекцияларнинг эпидемиологияси, клиникаси, ташхиси, даволаш ҳамда профилактикаси масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, муассаса бугунги кунда маҳаллий ҳамда хорижий давлатларнинг

вирусология хизмати мутахассислари билан илмий-амалий алоқалар ўрнатиб, халқаро тиббиёт майдонига ўзининг илмий ва технология ютуқларини тақдим этиб келмоқда. **Жорий йилнинг 14-16 февраль кунлари ўтказилаётган "Вирусли инфекцияларнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги анжуман фикризмизнинг яққол исботидир.** 10 га яқин давлатдан келган олимлар, маҳаллий мутахассислар иштирок этган мазкур илмий-амалий конференцияни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари, Республика Бош Давлат санитария вақчи Сайдамурод Сайдалиев кириш сўзи билан очиб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган катор ислохотлар халқ манфаатлари ҳар нарсадан устун эканини билдираётганини эътиборга олди. Жумладан, ўтган вақт мобайнида Жўртбошимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор

йўналишларида соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини тубдан такомиллаштириш, аҳолида ҳақли эътироз уйғотаётган долзарб муаммолар ва камчиликларни барқарорлаштириш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича аниқ курсатмалар берилгани, бу борадаги дастурлар ижроси атрофида қўриб чиқилиб, тизимнинг барча йўналиши фаолиятини янада яхшилашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, уларнинг ижроси юзасидан Вирусология илмий-текшириш институтида ҳам қатор эзгу ишлар йўлга қўйилгани, бу эса соҳа олдида турган вазифаларни бажаришга хизмат қилаётгани борасида атрофида маълумот берди. Шундан сўнг, Вирусология илмий-текшириш институти директори Эркин Мусабоев сўзга чиқиб, муассаса фаолияти ҳақида тўхталиб, инфекцияларни ташхислашнинг замонавий лаборатория усуллари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётгани, вирусли инфекцияларга қарши ўтказилаётган иммунопрофилактик тадбирлар самарадорлигини ўрганишда соғлиқни сақлаш муассасаларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатилаётгани борасида сўз юритди. Маърузачи ҳозирги кунда институт мутахассислари вирусология фанига тегишли бўлган барча муаммолар билан шуғулланаётгани, ОИВ, ОИТС, гепатит, табиий ўчоқли инфекциялар, грипп, ичак инфекциялари ва онковирусология соҳасида илмий ишлар ёқланаётганини билдирди. Шунингдек, муассаса дунёнинг бир қатор етакчи илмий-тадқиқот институтилари, хусусан, Япониянинг "Гепатитлар ва иммунология" Миллий Маркази, Жанубий Кореянинг "Вақцинация" Халқаро институти, Санкт-Петербургдаги Пастер номидаги "Эпидемиология ва микробиология" илмий-текшириш институти ҳамда Хиндистоннинг етакчи тиббиёт



марказлари билан изланишлар олиб борилаётгани хусусида гапириб ўтди. Бунинг баробарида, бугунги кунгача институт қошида 28 нафар тиббиёт фанлари доктори ва номзоди тайёрлангани, 24 нафар ходим эса диссертация устида ишлаётганини маълум қилди.

муболага бўлмади. "Жигар ичи холестази, турлари, диагностикаси ва даволаш" мавзусидаги тақдимотим ходимларнинг фаолиятларида янгилик киритилишида умид қиламан, – дейди Беларуссиялик профессор Владимир Сиркунов.



Жеффри ЛАЗАРУС,
Барселона университетининг клиникаси, Барселона глобал соғлиқни сақлаш институти, Копенгаген университетининг госпиталида ОИВ ва вирусли гепатит бўйича ЖССТ билан ҳамкорлик маркази профессори:

– Давлатингиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимига бераётган эътиборидан хабардорман. Бунинг маънавияти тиббиётни тубдан ривожланиб бораётганидан ҳам англаш мумкин. Европа жигар касалликлари ассоциацияси томонидан мазкур конференцияга яна 3 нафар ҳамкасбим билан келдим. Ўтказилаётган анжуман гепатит В ва С турларининг олдини олиш, даволашда замонавий усуллар, техникаларни жорий қилишни муҳокама қилишда айни муддао бўляпти. Сабаби, нафақат ўзбекистонлик олимлар, балки қатор хорижий мутахассислар ҳам бу борада ўз фикрлари билан ўртоқлашмоқда. Менимча, вирусли инфекция бугунги кунда дунё миқёсида, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам жуда муҳим ва яхши танланган мавзу, деб ҳисоблайман. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вирусология илмий-текшириш институти ушбу касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш борасида аллақачон иш бошлаган, бу эса ўзининг ижобий натижасини бермоқда, десам хато бўлмайди. Биз экспертлар гуруҳи сифатида ушбу жараёнга қўмақлашиб, ўз тажрибамиз билан ўртоқлашмоқдамиз. Маҳаллий олимлар томонидан олиб борилаётган ишларнинг қайси бири муҳим, қайсыларини эса янада такомиллаштириш зарурилик борасида фикрларимни баён қилдим. Хозирда гепатит С ни даволаш учун янги препарат тайёрланиб, амалиётга жорий қилинди. Шу боис, мазкур хасталикни тўлиқ бартараф этиш имконияти пайдо бўлди. Бу ҳам тиббиётнинг яна бир ютуқларидандир.

Хайрулло МУСТАФОЕВ,
Республика вирусология илмий-текшириш институти профессори:



– Хабарингиз бор, 2017 йил 24 июнь кuni Ҳукуматимизнинг "Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 537-сонли Қарори қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан Вирусология илмий-текшириш институти томонидан изланишлар, анжуманлар ташкил қилиниб, етук олимлар иштирокида соҳа юзасидан баҳс-мунозара ўтказиб келинмоқда. Бугунги халқаро конференция ҳам шулар жумласидандир. Тиббиётимизнинг ушбу йўналишида илк бор ўтказилаётган мазкур анжуман хорижий давлатларнинг олимлари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертлари билан ўзаро тажриба алмашишга замин яратди. Бундан бир неча йиллар аввал Гепатит С айтилганда, ушбу касалликка чалинган инсон учун жуда оғир мисбат ҳисобланарди. Сабаби, уни даволаб бўлмайди, деган фикр булар эди. Ёки аксарият юқумли, қизамиқ, гепатит А, В ва С касалликлари қайд этиларди. Хозирда халқаро олимлар билан ҳамкорликда дори воситалари ишлаб чиқилиб, уларни тўлиқ даволаш усуллари олиб боришмоқда. Бундан ташқари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа бўлими томонидан Ўзбекистон қизамиқ ва қизилча касаллигидан ҳоли бўлганлигини тасдиқловчи сертификат топирилди. Бу эса, тиббиётнинг ушбу йўналишида эришилаётган муваффақият, жумладан, мамлакатимизда мазкур касалликларнинг йўқлиги, умуман қайд этилмаётганидан дарақадир. Яна бир жиҳат, авваллари инсонлар юқумли ичак касалликларига чалинган бўлса, хозирда буларнинг сони кескин камайиб бормоқда, энг муҳими, ҳеч қандай асоратларсиз даволанмоқда. Бу албатта, соҳа ходимларининг ютуғидир. Хозир муассасамизда Япония, АҚШ, Дания, Италия давлатлари билан меморандумлар имзолаган. Тузилган икки томонлама шартнома асосида мутахассисларимиз чет элга бориб, 2 ойлик ўқув курсларида малака ошириб келмоқда. Хорижий олимлар мамлакатимизга келиб, беморларни ҳам даволамоқда, ҳам маҳорат дарсларини ўтмоқда. Шунингдек, касал шифокор олдида эмас, аксинча, соҳа ходими бемор олдида бориши зарур тамойили асосида иш олиб боришмоқда. Институт шифокорлари ҳудудларга чиқиб, мутахассисларга маҳорат дарслари ўтиб, беморларни тиббий қўриқдан ўтказишмоқда. Бунда фақатгина вилоят марказлари билан чекланиб қолмай, чекка туманларга ҳам бориб, аҳолига малакали тиббий ёрдам бериляпти. Демокриманки, барчаси босқичма-босқич, яъни туман-вилоят-республика тизимида даволаш ишлари йўлга қўйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, хасталикни бирламчи бўлибдан аниқлаш тизими жорий қилинди. Муассасамизда марказ тузилиб, унда вилоятлардаги кадрлар ҳар икки ойда ўқитилиб, малакаси оширилмоқда. Ушбу вазифалар онлайн тарзда юритилиши режалаштириляпти, яъни вирус касалликларининг олдини олиш чора-тадбирларида янги инновацион ғояларни татбиқ этмоқдамиз. Лекин ҳали олдинда ҳали қилинадиган ишлар анчагина. Геморрагик иситмалар қай аҳволда, вилоятларда қандай вирусли инфекциялар мавжуд, улар қақрайдиган касалликларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш лаборатория усуллари билан ўрганилмоқда. Айтиш кераки, бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Уч кун давом этаётган ушбу илмий-амалий конференцияда АҚШ, Германия, Испания, Италия, Швейцария, Россия, Беларуссия ва бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар (СДС)дан 20 нафарга яқин олим маъруза, маҳорат дарслари ва беморларни тиббий қўриқдан ўтказиб, ташхислаш ҳамда даволаш усуллари бўйича тажриба алмашиш мақсад қилинган.

– Мен Бухоро, Самарқанд, Хива, Урганч, Фарғона, Андижон шаҳарларида бўлиб, у ернинг жозибдорлиги, хушхабарлиги, қолаверса, халқингизнинг меҳмондўстлигидан ҳайратланиб, жуда мамнун бўлганман. Шу билан бирга, ушбу ҳудудларда маҳаллий шифокор ва ёш кадрлар билан суҳбатлашиб, соҳанинг долзарб мавзулари бўйича маърузалар қилдим ҳамда ўз тажрибам билан ўртоқлашдим. Хозирда ўтказилаётган анжуман ҳам мамлакатингизда мазкур соҳанинг ҳар томонлама ривожланишида фоят муҳим аҳамият касб этади, десам

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янги инновацион ғоялар, технологиялар илгари суриладиган ва каби халқаро ҳамкорлик соҳада, хусусан, юқумли касалликлар ва вирусологияда илмий-амалий фаолиятни олиб бориш, вирусли инфекцияларни даволаш, олдини олиш муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишда асосий омил бўлмоқда.

Конференциянинг биринчи кuni "Ўзбекистонда гепатология кунлари" деб аталиб, асосан жигарнинг вирусли касалликларига бағишланди. Иккинчи кунига эса "Ўзбекистонда юқумли касалликларнинг устувор жиҳатлари" номи берилди. Бунда вирусли гепатитлардан ташқари ОИВ инфекцияси, УРВИ, вирусли инфекцияларнинг лаборатор ташхиси каби йўналишларда маърузалар қилинди. Шунингдек, шу кунини параллел сессиялар ҳам ўтказилиб, маҳаллий ёш олимларнинг соҳада амалга ошираётган янгиликлари тўғрисидаги маърузалари тингланиб, махсус ҳайъат аъзолари томонидан аниқланган ғолиблар тақдирланди.

Мазкур конференциянинг учинчи кuni Бухоро шаҳрида "Вирусли гепатитлар ва ОИВнинг эпидемиологияси, диагностикаси ҳамда даволашдаги долзарб жиҳатлар" шиори билан давом эттирилмоқда.

Жонибек МАЪРУПОВ,
Ақром АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Семинар

ИЖРО, МАСЪУЛИЯТ ВА ТАҲЛИЛ

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, сифатли ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлаш Юртбошимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Утган вақт мобайнида Президентимиз раислигида бу борадаги ўтказилган йиғилишлар сўзимизнинг яққол исботидир. Қолаверса, давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига ташрифи чоғида соҳадаги аҳвол билан бевосита танишиб, зарурий кўрсатмалар бериб келмоқда. Бунинг баробарида, тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширишга қаратилган давлатимиз раҳбарининг 30 га яқин ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 60 га яқин Фармон, Қарор ва Фармойишлари қабул қилинди.

Бу эса, аввало, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кучайтириш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамини янада тақомиллаштириш, тиббиёт соҳасида кадрлар етишмовчилиги масаласини бартараф этиш, шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш ҳамда хусусий секторни янада ривожлантиришда дастуриламал бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун тиббиётни ривожлантириш бўйича янада янги қадам қўйилди, унинг янги концепцияси ва норматив ҳуқуқий базаси яратилди.

Соҳа ходимларидан яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, ҳар бир ислохот ортида – халқ манфаати шиорида фаолият олиб бориши талаб этилаётганлигини яхши билишади. Шу билан бирга, тизимдаги шифокор, ҳамшира ўз касбига сидқидилдан ёндашиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда, аввало, тиббиёт деонтологияси ва ижро интизомига амал қилиши зарурлиги муҳимдир.

2018 йилнинг 6 ва 8 февраль кунлари Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда ўтказилган семинарда айни шу масалалар юзасидан атрофлича сўз юритилди. Унда Республика даволаш-профилактика муассасалари масъуллари, Тошкент шаҳри ва вилояти, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиқларининг ўринбосарлари, шифо масканларининг бош шифокор ўринбосарлари, бош ҳамширалари, ташкилий-услубий бўлим мудирилари ва Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-

тадқиқот институти Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси ходимлари иштирок этишди. Йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Рихси Салихаджаева кириш сўзи би-



лан очиб, бу борада Юртбошимиз томонидан билдирилган таъқиқий мулоҳазалар ва қўйилган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш ҳамда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тўлиқ патронаж тизими билан қамраш, касалликларнинг олдини олиш, тиббий маданиятни ошириш, энг аввало, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш зарурлиги борасида гапириб, масалалар оид қабул қилинаётган меъриёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан атрофлича маълумот берди. Шу билан бирга, даволаш-профилактика муассасаларида тартиб-интизом, этика ва деонтология бўйича маъруза қилиб, жорий йилнинг 5 февраль кунини видеоселектор тарзида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳайъат йиғилишида кўтарилган масалалар, жумладан, тиббиёт деонтологияси, яъни бемор билан соҳа ходим-

лари ўртасидаги муомала маданияти ва одоб-ахлоқ муносабатлари қўпол равишда бузилаётганлиги хусусида фикр билдирди. Маърузачи тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш, малака тоифаларини бериш тартиби ҳақида батафсил маълумот бериб, бу борада тизимга киритилган янгиликлардан хабардор қилди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 20 октябрдаги "Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш, уларга малака тоифасини бериш тартиби тўғрисида"ги 115-сонли буйруғига қўшимча ва ўзгаришлар киритилгани, унга кўра, соҳа ходимлари тас-



нинг ҳолати юзасидан гапириб ўтди.

Шундан сўнг Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти директор ўринбосари Умира Кўчқорова сўзга чиқиб, "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида юритилган тиббий ҳисоб ҳужжатларини тасдиқлаш ҳақида"ги 777-сонли буйруғи тўғрисида тушунтириш берди.

— Аввалги шаклларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 26 июндаги "Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида қўлланиладиган тиббий-ҳисоб ҳужжатларини тасдиқлаш ҳақида"ги 287-сонли буйруғи асосида бирламчи ҳужжатлар юритилиб келинаётган эди. Бугунги кунда улар соддалаштирилиб, соҳа бош мутахассислари, вазирлик вакиллари ва бош мутахассислари билан биргаликда 6 ой давомида қайта кўриб чиқилди. Сўнг айрим шакллар соддалаштирилди, баъзилари бекор қилинди. Биргина мисол, Вазирликнинг 287-сонли буйруғида келтирилган билан, авваллари 583 тадан ортиқ тиббий ҳужжатлар юритилган бўлса, бугунги кунга келиб мазкур 777-сонли буйруқ асосида 362 та бирламчи тиббий ҳужжатлар қолди, ҳолос. Бу даволаш-профилактика муассасаларида

юритиладиган асосий бирламчи ҳужжатлардаги муҳим ўзгаришлар ҳисобланади. Журналларнинг юритилиши, яъни уни тўлдирish тартиби, соҳа бош мутахассислари томонидан нималарга эътибор бериш кераклиги, айниқса, беморлар шифо-хонага мурожаат этганида уларни қандай қайда қилиш зарурлиги, ҳомиладор, туққан аёллар ва чақалоқларнинг туғруқ бўлимларида қайд этилиши ҳамда эмлаш жараёнларида олиб бориладиган журналлардаги ўзгаришлар хусусида тушунтириш берилди. Айтиш жоизки, қарияларни, саховат ва мурувват ўйларига мурожаат этганларни қайд этиш журналлари, шу билан бир қаторда, уларни тиббий кўрик маълумотлари юритилгандаги варақа ҳам тайёрлиб мазкур буйруқ билан тасдиқланди. Шунингдек, семинар иштирокчиларига таъкидланганидек, судьялик лавозимига тайинланаётган мутахассисларнинг саломадлигига алоҳида эътибор берилиб, уларнинг ҳам тиббий кўриқдан ўтганлигини тасдиқловчи хулосаларини бериш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигиндан ўтказилган тартиб асосида қилинган. Соҳа ходимларига ушбу тиббий хулоса карталарининг мавжудлиги, уларни юритиш борасида хабардор бўлиши зарурлиги тўғрисида айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, мунтазам йўлга қўйилган бундай ўқув семинарлари соҳа ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш боробарида уларнинг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замон билан ҳамнафас фаолият юритишга хизмат қилади.

Жонибек МАЪРУПОВ.

Ақром АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Инициативы

В ДЖИЗАКЕ ПРОШЛИ ВЫЕЗДНЫЕ МЕДИЦИНСКИЕ ПРИЕМЫ

Свыше 22 тысяч человек из всех районов Джизакской области получили консультации ведущих врачей республики в ходе специализированных медицинских выездных приемов.

Анализ обращений, поступивших в Народную приемную Президента в Джизакской области и во время выездных приемов, показал, что больше всего нареканий людей вызывает качество медицинских услуг. В минувшем году рассмотрено свыше 2 500 жалоб и заявлений, в которых поднят ряд накопившихся проблем и недостатков в сфере здравоохранения. Поэтому специалисты Народной приемной Президента в Джизакской области вышли с инициативой организовать специализированные меди-

цинские выездные приемы для своевременного выявления и лечения заболеваний.

Представители секторов по комплексному социально-экономическому развитию территории совместно с активистами махаллей провели подворный обход, составили списки граждан, имеющих проблемы со здоровьем и нуждающихся в диспансерном наблюдении.

— Сформировали группы в составе 40–45 врачей из столицы и региона, — говорит заведующий Народной приемной Президента в Джизакской

области Т. Муллаонов. — Они по графику выезжали на места. Первые обследования прошли жители отдаленных кишлаков и аулов горных районов. Врачи заранее ознакомились с их медкартами. Свыше 290 ветеранов Второй мировой войны, участников трудового фронта, почтенных старцев, которые не смогли явиться на прием, специализировали на дому. Медработники обследовали пациентов, находящихся на стационарном лечении, провели среди населения беседы о здоровом образе жизни, профилактике заболеваний. Членам социально уязвимых семей бесплатно розданы медикаменты более чем на 200 миллионов сумов.

Тех, кто нуждался в лечении, с учетом специфики заболеваний направили в сельские врачебные пункты, семейные поликлиники, районные и областные медучреждения. Опытные хирурги из столицы провели более 80 операций. В частности, в Заманском районе успешно прооперированы девять чело- век, в Бахмальском — пятеро, Фарийском — трое. Нуждающиеся в лечении в республиканских специализированных клиниках взяты на отдельный учет.

В марте пройдет второй этап выездных приемов на уровне сельских врачебных пунктов и семейных поликлиник.

narodnoeslovo.uz

Эътиёт бўлинг, сотувда хавфли маҳсулот!

"Ўзстандарт" агентлиги инсон саломатлигига жиддий зарар етказиш мумкин бўлган сотувдаги маҳсулот тўғрисида ахборот берди.

Унда қайд этилишича, агентликнинг давлат инспекторлари томонидан истеъмол бозорига оид маълумотлар ўрганиб чиқилиб, таҳлил қилинганда сифатсиз ва инсон саломатлигига зарар етказиш мумкин бўлган маҳсулот аниқланган.

Ушбу хавфли маҳсулот юз учун гел бўлиб, номи "Lift gel activateur" дир. "NEWA" савдо белгиси остида Исроил давлатида ишлаб чиқарилган. Гель таркибиде N-нитрозодиэтанол-амин (NDELA) моддаси аниқланган. Бу модда канцероген ҳисобланади ва организмда хатарли ўсма-ларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

ЎЗА.



Хар фаслнинг завқи бор, зийнатин этар кўз-кўз,
Табиат мўъжизакор, ҳар қадамда эзгу иш.
Тараннум этар такрор, аслиятга буриб юз —
Фасллар кайвониси, сепин ёзди аёз қиш.

ТАЙНЛОВ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори Дусанов Зоҳид Абдуқаюмович бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги ПҚ-3525-сонли қарорига кўра, мазкур агентлика раҳбар этиб Абдуллаев Азиз Рустамович тайинланди.

Агентлик раҳбарининг биринчи ўринбосари лавозимига Бердиев Нозим Нусратиллаевич, ўринбосар Темиров Алишер Смитиллаевич тайинланди.

Азиз Абдуллаев шу вақтгача "Дори воситалар, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази" ДУК директори сифатида фаолият юритиб келаётган эди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот хизмати.

Новости

В УЗБЕКИСТАНЕ ПОЯВИТСЯ ВОЗМОЖНОСТЬ ОНЛАЙН- ПОКУПКИ ЛЕКАРСТВ

Президент Шавкат Мирзиёев подписал Постановление "О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли".

В документе отмечается, что несмотря на пересмотр государственного управления фармацевтической отраслью, создание Агентства по развитию фармацевтической отрасли, в сфере все еще существует множество нерешенных вопросов.

Так, медленными темпами идет процесс внедрения современных ИКТ по учету движения социально значимых лекарственных средств и изделий медицинского назначения в аптеках, а также информированию населения о дислокации аптек, ассортименте и цене лекарственных препаратов. Кроме того, не отвечает современным требованиям научно-исследовательская деятельность учреждений фармацевтической отрасли, не уделяется должного внимания вопросам подготовки квалифицированных специалистов.

Поручено организовать социальные аптеки, которые разместятся в районных медицинских объединениях, многопрофильных, городских и сельских семейных поликлиниках, а также сельских врачебных пунктах. Минздраву поручено до 1 апреля 2018 года утвердить их дислокацию.

Для справки, в Госпрограмме на 2018 год определено открытие 2 тысяч таких аптек с низкими ценами.

Также до 1 декабря 2018 года поручено создать информационный портал в сети Интернет, а также мобильные приложения, позволяющие:

- определять местонахождение аптек с отражением в качестве основного индикатора информации о наличии у них лицензий;

- приобретать лекарственные средства и изделия медицинского назначения в режиме реального времени с обеспечением, при необходимости, соответствующими аптеками доставки приобретенных лекарственных средств и изделий медицинского назначения населению.

А до 1 мая текущего года будет проработан вопрос о возможности внедрения системы специальных маркировок лекарственных средств и изделий медицинского назначения. Она автоматизирует процесс учета и отчетности, а также идентификации лекарств и медицинских изделий с возможностью предоставления о них необходимой информации.

narodnoeslovo.uz

Благодарность

Спасибо за чуткую заботу!

Человек с древнейших времен стремится лицезреть красоту. Ведь самое прекрасное и чудесное в этом мире мы видим глазами и когда зрение падает, то начинаешь чувствовать себя неполноценным и краски этого мира начинают тускнеть, ухудшается настроение и восприятие жизни. Радость этого мира и полноту его красок, мне, Оганесяну Сергею Ашотовичу, инвалиду II группы, одинокому пенсионеру, вернули сотрудники глазной клиники "Stellaris". 30 января этого года в этом прекрасном учреждении мне успешно провели операцию по замене хрусталика. Хотелось бы обратить внимание на то, с каким участием все сотрудники этой клиники подошли к решению данного вопроса. Хочу выразить огромную благодарность заместителю директора клиники "Stellaris" Вахабовой Дилрабо, которая отнеслась с заботой и вниманием к моему приходу. Также хотелось бы сказать огромное спасибо заведующему глазным отделением Зокирову Ботиру, у которого поистине золотые руки и чуткое доброе сердце. Огромную благодарность выражаю всем медсестрам, а в частности старшей медсестре данной клиники Ахматбековой Нодире за добросердечное отношение, чуткое внимание и участие в моей жизни в постоперационный период. Весь персонал клиники "Stellaris" проявил ко мне самое что ни на есть чуткое и внимательное отношение. Также хотелось бы выразить благодарность нашему Президенту Шавкату Миромоновичу Мирзиёеву за трепетное отношение ко всем пенсионерам нашей страны. Хотелось бы также сказать большое спасибо Министру здравоохранения нашей республики Алишеру Шадманову за то, что он всегда оказывает сильную медицинскую помощь гражданам нашей страны. Выражаю благодарность хокиму Миробадского района и всем его сотрудникам за своевременное реагирование на просьбы жителей нашего района, а также выражаю благодарность главному врачу 1 – Республиканской клиники Азизу Ибрагимову за постоянную медицинскую помощь и заботу. Спасибо им за это огромное и низкий поклон!

Фоторепортаж

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА



Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш жорий йилнинг устувор вазифаларидан бирига айлангани, бу албатта, ватанимиз келажаги бўлган фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганлигини жойлардаги тиббиёт муассасалари фаолияти мисолида кўришимиз мумкин.

Жумладан, Фаргона вилояти Сўх тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими ёш авлод саломатлигини таъминлаш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

"Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган муассасада болаларда учрайдиган турли хасталикларни эрта аниқлаш ва даволаш учун барча шароит яратилган.

— Боланинг соғлом улғайишида онанинг тиббий маданияти муҳим аҳамият касб этади, — дейди тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Икром Аҳмадов. — Муассасамиз ходимлари репродуктив саломатлик, чакалок парварishi, турмуш тарзини яхшироқ қилиш, оилада соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича ёш оналарга кенг тушунчалар бермоқда. Мазкур фаолиятлар бирлашмамиз ходимлари томонидан маҳалла, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари масъуллари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Ў.А.



Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash — Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилмиш шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «f» шартли белгиси қўйилди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март кунини
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5596 нусха.
Буюртма Г-237.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмаҳонага топшириш вақти — 20.00.